

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТАРБИЯСИНИНГ ТАЯНЧ УСТУНЛАРИ

Сайдуллаев Алишер Насруллаевич

Тошкент тиббиёт академияси

“Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълим ва тарбия масалалари, самарали таълим -тарбия тизимини амалга оширишда оиланинг роли атрофлича ёритилган.

Калим сўзлар: оила, таълим ва тарбия, соғлом ижтимоий-психологик муҳит, тарбиявий жараён, мулоқат, ностандарт вазиятлар, тарбиянинг таянч устунлари.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается научно-теоретический подход к изучению воспитания и обучение. Развития роль семьи в воспитание и обучение.

Ключевые слова: семья, обучение, воспитание, среда, нестандартные ситуации, общение, образовательный процесс, основные опоры воспитание.

ABSTRACT

The article presents scientific theoretical approaches in the formation of the child's speech competence.

Keywords. Family, education, communication, educational process, education and upbringing.

КИРИШ

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти, фарзандларимиз тарбияси, комил инсон бўлиб вояга етиши, сифатли ва мукамал таълим олиши доимо давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлиб келган.

Ҳамма даврларда ҳам шахсга таълим бериш, комил инсон ва фарзандлар тарбиясига давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралган.

Маълумки қайсики давлатда таълим ва тарбия тизимида етарлича эътибор қаратилса шу давлатда албатта тараққиёт бўлади, турмуш фаровонлигига эришилади. Бунга тарихдан жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу туфайли ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, янги Ўзбекистонни бунёд этиш мақсадида таълим тизимида жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада кўплаб таълим тараққиёти учун жуда муҳим бўлган фармонлар, қарорлар ва дастурлар қабул қилинди, янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун тасдиқланди. Мазкур янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, таълим олишнинг янги

замонавий шакллари амалиётга тадбиқ этилди, таълим муассасаларига чет эл муассасалар билан ҳамкорликда факультет ва марказлар очишга рухсат этилди. Шунингдек, “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг яна бир муҳим янгиликларидан бири, ўқитувчиларга замонавий педагогик шакллар ҳамда ўқитиш ва тарбия усуллари эркин танлаш ҳуқуқи берилди.

Ш.М. Мирзиёев ўзининг 2020 йил 30 сентябрь кунги ўқитувчиларга қилган мурожаатида Буюк ипак йўлининг қоқ чорраҳасида жойлашган диёримиз азал-азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини, халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тўққизинчи - ўн иккинчи асрларда Марказий Осиёда биринчи Ренессанс юзага келиши ва у бутун дунё тан оладиган машхур даҳоларни етиштириб берганлигини, иккинчи Ренессанс даврини аҳамиятини ҳамда Учтинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида омма олдига қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтаришни тавсия этди.

Ҳозирги тезкор тараққиёт даврида халқимизнинг таълим-тарбия борасидаги тўпланган манбалардан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия масаласига ўз вақтида ўта жиддий эътибор қаратмасак, эртага кечикишимиз мумкин. Бу борада таълим ва тарбияни самарали ташкил этишда Президентимиз таъкидлаган таълим ва тарбиянинг бешта таянч устунларининг роли бениҳоя каттадир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шу ўринда таълим ва тарбиянинг асосий таянч устунни оила тарбиясининг роли фарзанд камолотида муҳим аҳамият касб этишиши унутмаслигимиз лозим. Чунки, оиладаги соғлом психологик муҳит ва оилавий таълим-тарбия, ёшлар истеқомат қилаётган маҳаллалар ҳаёти, уларнинг психологик муҳити ёшлар камолоти масалаларида ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Оилада тинчлик-хотиржамликнинг бўлиши, оила аъзолари орасида меҳр-оқибатнинг мавжудлиги, ота-она ва фарзандларнинг ўзаро самимий муносабатлари бу кичкина жамият деб номланган оиланинг ички-тартиб қоидалари ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, шахс хусусиятларининг шаклланиши нафақат инсон организмнинг наслий хусусиятларига, балки энг аввало у алоқада бўлган ижтимоий муҳитга ва оилага кўп жихатдан боғлиқ бўлади.

Маълумки, ҳар бир жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти шу жамият фуқароларининг билимдонлиги, ақл-заковати, маънавий ва

ахлоқий жиҳатдан юксаклигига боғлиқдир. Инсондаги ушбу хислатлар оилада, оила муҳитида шаклланади. Шунинг учун ҳам оиланинг муҳим вазифаларидан бири фарзандларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, оила жуда катта тарбиявий функцияга эга. Оила ёшларда миллий қадриятларни, ахлоқий фазилатларни, шахсий сифатларни, ҳаётий мезон ва меъёрларни шакллантирувчи муҳим маскандир.

Кейинги йилларда оилаларда турли хил сабабларга кўра, фарзандлар тарбиясига эътиборнинг бироз сусайиши кузатилмоқда ва оқибатда фарзандлар тарбиясидаги айрим нуқсонлар кўзга яққол ташланмоқда. Буни қуйидаги бир нечта жузъий сабаблар орқали изоҳлаш мумкин:

- оилавий тарбияда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини инобатга олинмаслиги;
- ота-оналарнинг оилавий тарбияда, фарзандлари билан бўладиган шахслараро муносабатларида, улар билан муомала қилишдаги муаммолари;
- ота-оналарда болалар тарбияси тўғрисидаги назарий ва амалий билим ва маълумотларнинг етишмаслиги;
- тарбияда ўзбек халқининг бой маънавий, маданий қадриятлари, урф-одатлар, расм-русумлар ва шарқона оилавий тарбия усулларида етарлича фойдаланмаслик;
- Европача турмуш тарзи тарғиботи;
- фарзандларимизга ўзбек халқига хос бўлган Ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, меҳр-шафқатлилик, бағрикенглик, ночор ва дардманлар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам бериш каби хислатларни сингдирилмаётганлиги;
- тарбияда ота-оналарнинг рад этиш, таъқиқлаш, рухсат этмаслик асосидаги тарбиялаш усулидан мақсадсиз фойдаланишлари;
- оилада ота ёки онанинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлиши;
- оилавий тарбияда миллий қадриятларимиздан, яъни эртак, мақол, ривоят ва ҳадис илмидан етарлича фойдаланилмаётганлиги;
- болаларнинг тарбиясига ёшлигидан эътибор бермаслик.

Фарзандлар тарбиясида таълим муассасалари билан бир қаторда ота-оналарнинг ролини оширсак, тарбиянинг таянч устунлари деб эътироф этилаётган ота-оналарга, кенг жамоатчиликга таянадиган бўлсак, албатта тарбияда кўзланга мақсадга эришишимиз муқаррар.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, болалар ва ўсмирлар камолотида соғлом ижтимоий-психологик муҳитни тўғри ташкиллаштира олсак, оилавий тарбияни тўғри йўналтира билсак, таълим ва тарбия борасида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни оғишмай амалга ошириб борсак, баркамол авлод камолотида албатта, кўзлаган буюк мақсадларимизга эришамиз.

Мустаҳкам маънавий иммунитетга эга, эркин ва равон фикрлайдиган, юқори марраларни кўзловчи буюк авлодни тарбиялаш учун ота-она ва оила муҳити жуда катта аҳамият касб этади. Сир эмаски инсон қалби ва онгини эгаллаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий дунёсини захарлашга қаратилган турли кўринишлардаги хавф-хатарларни бугунги кунда кучайиб бораётганлиги ҳам тарбияда оилани, ота-онани роли беқиёс эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Оила деб аталмиш кўрғонда авлодлар камол топади. Бу кўрғоннинг мустаҳкам ва барқарор бўлишига эришиш мамлакат ва дунё миқёсида муҳим аҳамиятга эгадир. Соғлом турмуш тарзига эга бўлган мустаҳкам оилалар жамиятимизнинг ёрқин келажаги учун хизмат қилади.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, болалар ва ўсмирлар камолотида соғлом ижтимоий-психологик муҳитни тўғри ташкиллаштира олсак, оилавий тарбияни тўғри йўналтира билсак, таълим ва тарбия борасида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни оғишмай амалга ошириб борсак, баркамол авлод камолотида албатта, кўзлаган буюк мақсадларимизга эришамиз. Фарзандларимизни шундай тарбиялайликки, улар ўз ота-оналарига, буюк тарихига, мустақил Ватанига, ўз тили, миллати, дини ва муқаддас анаъналарига содиқ бўлиб камолотга эришсин.

REFERENCES

1. Умаров Б.М., Сайдуллаев А.Н. Фарзандлар тарбиясига бефарқ бўлмайллик(ёки ёшлар хулқ - атворига оид психологик чизгилар) Тошкент. 2016 й .
2. Khashimova M. K. et al. Integrated approach to moral education //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 2987-2992.
3. Умаров В. М. и др. Замонавий педагогик технологияларни тиббий таълимга тадбиқи. – 2019.

4. Сайдуллаев А. Н. Основные области затруднения в педагогическом взаимодействии.
5. Рахманова Ё. Р., Сайдуллаев А. Н. ФАРОБИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА ТИЛШУНОС ҲАКИМ //Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavateľské centrum Sociosfera-CZ sro, 2016. – №. 9. – С. 61-63.
6. Ахмедова, М. Т., & Мусратова, З. У. (2021). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА УСТОЗ-ШОГИРД МУНОСАБАТЛАРИНИНГ СТРАТЕГИК ҚОИДАЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. In *Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences* (pp. 326-329).
7. Tursunaliyevna, A. M., & Karimovna, N. Y. (2022). МАКТАВГАЧА ТАРБИYA МУАССАСАЛАРИДА МАДАНИY-GIGIYENIK МАЛАКАЛАРНИ ТАРБИYАЛАШ–БОЛАЛАР ОРГАНИЗМИНИНГ JISMONIY RIVOJLANISHIDA MUHIM VOSITA. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(1), 98-103.
8. Нарметова, Ю. (2015). Методологические и методические проблемы организации психологической службы в медицинских учреждениях.
9. Нарметова, Ю. (2021). Алекситимия-психосоматик касалликлар омили сифатида. *Scienceweb academic papers collection*.
10. Нарметова, Ю. (2020). Оила хотиржамлиги болалардаги психоматиканинг олдини олиш омили сифатида.
11. Nuraliyevich, N. A. (2022). TIBBIYOT XODIMLARINING KASBIY IDENTIFIKATSIYASINI O ‘ZIGA XOS PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(3), 6-9.
12. Нурматов, А., & Бекмиров, Т. (2021). *Развитие креативности будущего учителя в процессе* (Doctoral dissertation, Тошкент).
13. Umarova, S. (2021). Yoshlarda hadislar yordamida sabr toqatlilik hususiyatini shakillantirish.
14. Akhmedova, M., Narmetova, Y., & Alisherov, B. (2021). Categories of person in conflict and methods of conflict resolution in the occurrence of conflicts between medical personnel.
15. Akhmedova, M. T., Narmetova, Y. K., Nurmatova, I. T., & Malikova, D. U. K. (2022). Communicative Competence Formation in Future Teachers Based on an Integrated Approach. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(4), 54-60.

-
16. Ахмедова, М., & Нарметова, Ю. (2022). Neyropedagogika va neyropsixologiya rivojlanib kelayotgan yangi fan sohasi sifatida. *Общество и инновации*, 3(2), 103-109.
17. Akhmedova, M. T. (2022). Pedagogical and Psychological Ways to Overcome the Problem of Lesson Discipline in Secondary Schools. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(3), 421-425.
18. Melibayeva, R. N., Khashimova, M. K., Narmetova Yu, K., Komilova, M. O., & Bekmirov, T. R. (2020). Psychological mechanisms of development students' creative thinking. *International journal of scientific & technology research*, 9(03).